14 йил

Mustaqil O'ZBEKISTON

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

35 (469)

2005 йил 31 август

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Нодира ва Айгуннинг тароналари...
▶ Қатағон қурбонларидан бири

3 ▶ Ватан меҳри қорачиқларда!..
▶ "Хиёнатга йўл очманг, одамлар!"

4 ▶ Тамкин — тадқиқотчилар аждоди...
▶ Бешболанингиши "беш"...

Билимлар куни олдидан

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

Биз соғиндик, мактабжоним, ўзингни,
Қўмсаб келдик илмга кон сўзингни,
Бағрингга ол яна ўғил-қизингни,
Дилда жўшар минг ҳаяжон, минг сўроқ,
Чорлаяқол, чорлаяқол... қўнғироқ!.

Ошиқамиз теран билим олай деб,
Ошиқамиз фанга юриш солай деб,
Ошиқамиз етук инсон бўлай деб,
Дилда жўшар минг ҳаяжон, минг сўроқ,
Чорлаяқол, чорлаяқол ... қўнғироқ!..

Фан сирларин эгалламоқ бурчимиз,
Дўстлик билан аҳиллиқда кучимиз,
"Кундалик"да бўлмас ҳатто "уч"имиз,
Дилда жўшар минг ҳаяжон, минг сўроқ,
Чорлаяқол, чорлаяқол ... қўнғироқ!.

Чархлагаймиз тафаккурни, ақлни,
Мағзин чақиб мақол, ҳикмат, нақлни,
Сеҳрин олиб минг ёрамиз биз қилни,
Дилда жўшар минг ҳаяжон, минг сўроқ,
Чорлаяқол, чорлаяқол ... қўнғироқ!..

Бағрингни оч, билимларнинг дунёси,
Қалбда порлар келажакнинг зиёси,
Мактабжоним — сен билимлар уяси,
Дилда жўшар минг ҳаяжон, минг сўроқ,
Чорлаяқол, чорлаяқол ... қўнғироқ!..

Менглибой МУРОДОВ



— Яна нима дейди?
— Юртбошимиз юз ёшдан ошганларни муносиб тақдирлади, — дейди.

ГУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ ЮРТИМ — ЎЗБЕКИСТОН!

Мустақилликнинг ҳар йили халқимизнинг минг йиллик орзулари рўёби сифатида қалбларимизни хушнуд этмоқда. Истиқлолнинг 14 йиллигини ҳам бунёдкорлик, яратувчанлик кайфиятида кутиб олмоқдамиз. Юртимиз шаҳар ва қишлоқларида бунёд этилган гўзал ва улуғвор иншоотлар энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг хосиятию моҳиятини намоён этиб турибди.

СУРАТДА: *пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонининг янги қиёфасидан кишининг кўзи қувнайди.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

ЯНГИ ИНШООТЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Юртимизда байрамлар муносабати билан замонавий корхоналар, турар-жойлар, коллеж ва лицейлар, тиббиёт муассасалари, равон йўллар, кўприклар, боғ ва хиёбонлар бунёд этиш яхши анъанага айланган. Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида ҳам бир қатор янги корхона ва иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз тўқимачилик саноатида таркибий ўзгаришлар, техник модернизация ва корхоналарни қайта жиҳозлаш ишлари изчил давом этмоқда. Янги қувватлар ишга туширилянти, соҳага хорижий инвестициялар фаол жалб қилиняпти.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан Тошкент шаҳрида «Байтекс тижарет» хорижий корхонаси ишга тушди. Трикотаж мато тўқиш, бўяш, пардозлаш, тикувчилик каби цехларни ўзида жамлаган мазкур корхона Туркиянинг «Улташ Энтегре текстиль» ва «Баха текстиль» фирмалари томонидан таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 август куни «Байтекс тижарет» корхонасида бўлиб, унинг фаолияти, иш жараёнлари билан танишди.

Давоми 2-саҳифада

СУРАТДА: *байрам арафасида қуриб битказилган Ўзбек либослари галереяси биносининг кўриниши.*

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

МАНГУ ЯНГРАЙВЕРСИН, «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»!

«Шарқ тароналари» бешинчи халқаро мусиқа фестивали ниҳоясига етди.

Қарийб бир ҳафта давомида қадимий Самарқанд нуфузли мусиқа байрами шукуҳи билан яшади. Регистон майдони, «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» ва «Сугдиёна» истироҳат боғларидаги муҳташам саҳналарда элликдан зиёд давлатдан ташриф буюрган санъаткорлар ўз истеъдодини намойиш этди. Турли миллат ва элатлар тилида Ватан, тинчлик ва дўстлик, муҳаббат ва садоқатни таранум этувчи қўшиқлар янгради.

Фестивалнинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг иштирок этгани, самимий табриги анжуман қатнашчиларини янада руҳлантирди.

Давоми 2-саҳифада

"Mahalla" қутлови

МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мукофотланганлар орасида "Маҳалла" жамғармаси тизими ҳамда юртимиздаги фуқаролар йиғинларининг ўз ишига чинакам фидойи ходимлари ва фаоллари ҳам бор.

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ордени билан

АҲМЕДОВА Зувайдахон — Марғилон шаҳридаги Янги боғ маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

НОРОВ Иброҳим Норович — «Маҳалла» жамғармасининг Навоий вилояти бўлими Оқсоқоллар кенгаши аъзоси

«ДЎСТЛИК» ордени билан

ТУРСУНАЛИЕВ Рўзи — «Маҳалла» жамғармасининг Яккасарой тумани бўлинмаси раиси, Тошкент шаҳри

«ШУҲРАТ» медали билан

БЕРДИЕВ Имомқул — Жиззах туманидаги Иттифоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

ЖЎРАЕВ Эргаш — Термиз туманидаги Қаҳрамон маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

ИБРОҲИМОВА Фотима — Бухоро шаҳридаги А.Фитрат номли маҳалла фуқаролар йиғини фаоли, Бухоро вилояти

ИСОҚОВ Жаҳонгир Жалолидинович — Янгиқўрғон туманидаги Сойбўйи маҳалласи фуқаролар йиғини посбони, Наманган вилояти

МАДРАҲИМОВА Раъно хон — Хўжаобод туманидаги Гулистон маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

МАҲКАМОВА Жаннатбу Деҳқоновна — Поп туманидаги Тошқўрғон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

МИРЗАЛИЕВА Карима — Наманган шаҳридаги Ўзбекистон маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, Наманган вилояти

МЎМИНОВ Хайрулла — Собир Раҳимов туманидаги Чиғатой Оқтепаси маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

РАСУЛОВА Муҳаррам Нурматовна — Собир Раҳимов туманидаги Ачаобод маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

РАҲИМОВ Ҳамиджон Мамажонович — Олтиариқ туманидаги Ҳамза шаҳарча фуқаролар йиғининнинг вояга етмаганлар билан ишлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича комиссияси раиси, Фарғона вилояти

РУСТАМОВ Барот Гулович — Бухоро туманидаги Хумин маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

ТОҒАЕВ Комил Авилович — Навоий шаҳар Меъмор маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Навоий вилояти

ФОЗИЛОВ Фарҳод — Шаҳрисабз шаҳридаги Саъдий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

ХОЛМАТОВ Одилжон Шокирович — Янгиер шаҳридаги Бинокор маҳалласи фуқаролар йиғини посбонлари сардори, Сирдарё вилояти

ХОЛИҚОВ Муталибжон — Андижон туманидаги Айрилиш маҳалласи фуқаролар йиғини посбонлари сардори, Андижон вилояти

ШАТАНОВА Хайринисо Абсаломовна — Самарқанд шаҳридаги Олтин аср маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

ҚУРЁЗОВ Ўразмат Йўлдошевич — Янгибозор туманидаги Оча қалъа маҳалласи фуқаролар йиғини посбони, Хоразм вилояти.

Юксак мукофотлар муборак бўлсин, фидойи маҳалладошлар!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

"Mahalla" қутлови

Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган қуйидаги юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар юртимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра "ШУҲРАТ" медали билан мукофотландилар:

АБДИЕВ Ражаб — Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани

БОБОЖОНОВ Мадамин — Хоразм вилояти, Урганч тумани

ЭГАМБЕРДИЕВА Зарапат — Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани

МУРОТОВ Курбон — Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани

МУФТУЛЛАЕВА Сулиў — Қорақалпоғистон Республикаси, Қанликўл тумани

САНОЕВА Жумагул — Самарқанд вилояти, Нарпай тумани

САПАРАЛИЕВ Норбўта — Сирдарё вилояти, Боёвут тумани

СУЮНОВА Хамал — Навоий вилояти, Қизилтепа тумани

УЗОҚОВ Темир — Фарғона вилояти, Фарғона тумани

ҲОТАМОВА Нисо — Тошкент вилояти, Паркент тумани

ХОЛМАТОВА Ибодат — Андижон вилояти, Жалолқудуқ тумани

ШОДИЕВА Нормома — Жиззах вилояти, Бахмал тумани

ЮНУСБОЕВ Уматали — Наманган вилояти, Уйчи тумани

ҲАМРОЕВА Истат — Бухоро вилояти, Жондор тумани

Юксак мукофотлар муборак бўлсин, юртимизга, халқимизга фидойи азиз, онахону отахонлар!

ЯНГИ ИНШООТЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари «Байтекс тижарет» хорижий корхонаси бош директори Этхем Халук Баятли, туркиялик бошқа тадбиркорлар, мутахассислар билан мулоқот чоғида тарихи, дини, тили бир ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кучайтириш иқтисодий алоқаларда муҳим омил эканини таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналар сони яна биттага кўпайгани эътиборга молик.

«Байтекс тижарет» корхонаси биринчи босқичи лойиҳасининг умумий қиймати 25 миллион АҚШ долларига тенг. Ишлаб чиқариш қуввати кунига 15 тонна трикотаж газлама тўқиш, 50-60 тонна газламани пардозлаш ва бўяш, 100 тонна матони қуритиш, 45 минг дона трикотаж маҳсулот бичиш-тикиш имкониятига эга.

Мутахассисларнинг фикрича, бу ерда ишлаб чиқариладиган калавалар, газламалар, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр либослар жуда рақобатбардош. Шу боис корхона мижозлари сафида Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ фирмалари, шунингдек, «Маркс энд Спенсер», «Вол Март», «Чибо» каби трансмиллий компаниялар бор.

Бу ерда 800 нафар ҳамюртимиз — малакали мутахассислар иш билан таъминланган. Йилнинг охирида лойиҳанинг иккинчи босқичи амалга оширилганидан сўнг иш ўринлари сони икки баравар кўпаяди.

— Ушбу янги корхонанинг катта келажаги бор, — деди Президентимиз. — Чунки корхона учун зарур хомашё — пахта юртимизда етиштирилади. Уни узоққа ташиш ва ортиқча харажат сарфлашнинг ҳожати йўқ. Бундай омиллар, табиийки, маҳсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатади. Шундай экан, корхона ишлаб чиқарадиган арзон ва сифатли маҳсулотларнинг харидорлари кўпайиши тайин.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу корхона атрофида зарур инфратузилмаларни шакллантириш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг Эски Жува қисмида қуриб битказилган янги иншоотлар билан ҳам танишди.

Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари кўзни қувонтиради.

Пастқам иморатлар ўрнини замонавий турар-жойлар, тангу тор, паст-баланд кўчалар ўрнини кенг ва равон йўллар, кўприклар эгаллади. Бу ерда аҳолига хизмат кўрсатадиган янги ижтимоий объектлар барпо қилинди, қўшимча иш ўринлари яратилди. Шаҳар марказида жойлашганига қарамай, муҳим транспорт, тегишли коммуникация тармоқларига эга бўлмаган Эски шаҳар бугунги кунда турли мавзе ва даҳаларни бир-бирига боғлайдиган фаол чорраҳага айланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Эски шаҳар ҳудудида олиб борилган улкан яратувчанлик ишлари билан танишаркан, бундай ишларни қисқа муддатда амалга оширган бунёдкорлар меҳнатини юқори баҳолади.

Уч-тўрт ой муқаддам Эски Жуванинг Сағбон, Зарқайнар ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойида икки бино — Болалар бадиий ижодиёти уйи ва Ўзбек либослари галереяси барпо этишга киришилган эди. Қисқа фурсатда бир-биридан гўзал икки иншоот қад ростлади. Кўчалар, йўллар кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати яхшиланди.

Болалар бадиий ижодиёти уйида бир йўла 200 нафаргача ўқувчи шуғулланиши мумкин. Ундан кўргазмалар зали, кутубхона, ёш шоирлар, журналистлар ҳамда шахмат клублари, компьютер синфи, бадиий кашта ва зардўзлик, шунингдек, миниатюра тўгараги, тасвирий санъат студияси, мажлислар зали ўрин олган. Бинонинг томидаги Томоша майдончаси шаҳримиз манзарасидан завқланиш имконини беради.

СУРАТДА: *пойтахтимизда бунёд этилган Болалар ижодиёти маркази биносининг кўриниши.*

Президентимиз мазкур иншоотга яқин ҳудудларда жойлашган бинолар ҳам ўзаро уйғунлик касб этиши лозимлигига эътиборни қаратди. Мана шундай улкан иншоотларни бунёд этганимиз ва бундан фахру ифтихор ҳисларини туйганимиз яхши, деди Ислом Каримов. Бироқ уларни асраб-авайлашни, қадрига етишни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Абдулла Қодирий номи билан аталувчи боғ ҳам болаларнинг севимли гўшаларидан бирига айланиши шубҳасиз. Унга замонавий аттракционлар ўрнатилди. Иккита амфитеатр пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг севимли гўшаларидан бирига айланиши аниқ.

Ўзбек либослари галереяси билан танишаркан, Президентимиз мазкур бинонинг замонавий, шу билан бирга, анъанавий услублар асосида бунёд этилганини юқори баҳолади. Улкан зал, намойиш майдончалари ва дам олиш хоналаридан иборат маҳобатли бинода мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган либослар ва газламалар намойиш этилади.

Бинобарин, бундай гўзал иншоотлар ҳамюртларимиз ҳаётининг янада фаровонлашувига, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етишига хизмат қилади.

Ғулом МИРЗО,
Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА мухбирлари

МАНГУ ЯНГРАЙВЕРСИН, «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»!

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

30 август оқшоми... Регистон майдони фестиваль иштирокчилари, меҳмонлар ва санъат ихлосмандлари билан гавжум. Бу ерда халқаро мусиқа анжуманининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар қувончли ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлган мазкур фестиваль инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилажагини таъкидладилар.

Айтиш жоизки, йил сайин «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг нуфузи ортаётир. Иштирокчилар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Самарқанд заминида янграётган наволар бутун жаҳон бўйлаб акс-садо беряпти. Бу йилги анжуман ҳам бетакрор тароналар, дилбар куй-қўшиқ ва рақсларга бой бўлди.

Фестивалда ўзбек санъат усталарининг чиқишларини асосан ҳазрат Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ташкил этгани анжуманга ўзгача маъно-мазмун ва шукуҳ бахш этди.

Анжуман меҳмонлари яна бир бора ўзбек халқининг бой мусиқа маданияти, бетакрор санъатидан баҳраманд бўлдилар. Халқаро мусиқа фестивалининг ҳар бир куни унутилмас учрашувлар, дилкаш мулоқотлар билан ўтди.

Хорижлик санъаткорлар ва фестиваль меҳмонлари Самарқандда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Ўзбек халқининг бағрикенглик, меҳмондўстлик фазилатларидан, юртимизнинг буюк ўтмиши, бой маданияти ва маънавиятидан янада кўпроқ воқиф бўлдилар.

... Барча ҳаяжон ва сабрсизлик билан фестиваль ғолиблари ва совриндорларининг номи эълон қилинишини кутади. Ниҳоят, ўша лаҳзалар етиб келди.

«Шарқ тароналари» V халқаро мусиқа фестивалининг бош соврини — Гран-при ҳеч кимга берилмади. Фестиваль ҳайъати аъзолари биринчи мукофотга ҳамюртимиз Нодира Пирматова ҳамда озарбойжонлик хонанда Айгун Бейларни муносиб топди. Кувайт ва Италиядан ташриф буюрган санъаткорлар ва мўғилистонлик хонанда Урнаа Чахар Тукчи фестивалнинг иккинчи мукофоти билан тақдирланди. Учинчи ўрин Корея Республикаси, Бангладеш ва Исроил вакилларига насиб этди. ЮНЕСКОнинг махсус соврини Афғонистон, Халқаро фестиваль ҳайъатининг махсус соврини эса Миср Араб Республикаси санъаткорларига топширилди.

Анжуман доирасида «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови бўлиб ўтди. Унда ҳар бир мамлакат вакили ўз халқининг миллий қўшиғи ва мусиқаларини ижро этди. Бу танловда ҳам ғолиблик яна Нодира Пирматова ҳамда Айгун Бейларга насиб этди.

Озарбойжонлик хонанда Айгун Бейларни суҳбатга тортдик:

— Гўзал Самарқанд, «Шарқ тароналари» ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Қардош ўзбек халқи мени ўз фарзандидек кутиб олганидан, санъатимни олқишлаганидан бошим осмонга етди. Ўзбек мумтоз қўшиқлари мени ҳар доим ўзига мафтун этиб келган. Насиб этса, яна икки йилдан кейин Самарқандда ўзбек тилида куйлаш ниятини дилимга тугиб қўйдим. Шундай нуфузли мусиқа фестивали ташаббускори бўлган муҳтарам Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдираман.

Фестиваль байроғи туширилди. Нуфузли халқаро мусиқа анжумани иштирокчилари икки йилдан сўнг яна шу табаррук заминда дийдор кўришиш орзусида хайрлашдилар.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Самарқанд вилояти ҳокими М.Нурмуродов иштирок этди.

Акбар ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири.

СУРАТЛАРДА: *"Шарқ тароналари" V халқаро мусиқа фестивалининг биринчи мукофоти совриндорлари — ҳамюртимиз Нодира Пирматова (чапда) ҳамда озарбойжонлик хонанда Айгун Бейлар.*

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

31 август — Қатағон курбонларини ёд этиш куни

КЕЧИККАН ҲАҚИҚАТ

ёки бир инсон қисмати

Халқимиз ўтмишида мудҳиш из қолдирган қатағон даври қанчадан-қанча инсонлар ҳаётини пароканда қилди. Қатағон курбонларининг жиноят ишжилдларини варақласангиз, суд ҳамиша ҳам одилона ҳукм чиқармаганлигининг гувоҳи бўласиз. Бундай аччиқ сабоқни шўролар тарихи мисолида кўплаб учратиш мумкин. Ана шундай хатолар ортида умри завол кетган инсонлар қисмати бор.

Улардан бири — Ҳошим Сатторов. У 1904 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. Маълумоти — олий. Ҳибсга олинган вақтга қадар Тошкент тиббиёт институти директори лавозимида ишлаш билан бирга Врачлар олий мактабининг аспиранти ҳам эди.

... 1936 йил. Қиш. Ҳошим Сатторов совнарком мажлисидан чиқиб, уйига келакелгунча ўйлаб келди: "Нима учун? Мен қандай хато қилдим?". Ҳаммасидан ҳам ўтиб тушгани унга қўшиб наркомздрав ўринбосари Карасевга ҳам ҳайфсан эълон қилишди. Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент медицина институтини кенгайтириш мақсадида қурилиш ишларини бошлаш учун елиб-югурганида мана шу Карасев унинг жонига оро кириб, "юқоридан" рухсат олиб берган эди. Аммо қурилиш режасига бир нарсани киритиш ёддан кўтарилган экан. Институт директори Сатторов талабалари кўпинча оч-наҳор юрганлигининг гувоҳи бўлганди. Танаффус пайтида бир неча чақирим наридаги ошхоналарга бориб, овқатланиб, келишга улгурмай, улгурганининг ҳам стипендияси етмай қийналаётган талабаларнинг шароитини яхшилаш мақсадида Карасев билан маслаҳатлашиб, институт биноларининг бирига ажратилган маблағни талабалар ошхонаси қурдириш учун сарфлашга аҳд қилган эди. Аммо нияти амалга ошмади. Деярли ниҳоясига етиб қолган ошхона қурилиши ана ўша мажлисдан кейин бутунлай тўхтатиб қўйилди.

Орадан бир йил ўтгач, 1937 йили ёзда Сатторовни ҳибсга олишди. Сабаби — гўёки институтда ўзбек талабаларининг кўпайиб кетганлиги, "ўзбек йигит-қизларининг савияси паст бўлса-да, ўқишга қабул қилинаверган"лиги. Яна дарсларда асосий мавзуни четлаб, миллий қадриятлар тўғрисида талабалар билан суҳбатлашиб, уларни "миллатчилик" руҳида тарбиялашга урингган. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

У Москвада ўқиб юрган кезлари курсдошлари билан троцкийчилар ташкилоти мажлисларида иштирок этганини инкор этмади. Шунингдек, бир пайтлар хорижий давлатлардан бири томонидан уюштирилган, фаолияти давлат тўнтарилишига олиб борувчи "Кўмак" миллий жамиятига аъзо бўлганини ҳам тан олди. Аммо айбловларнинг асосий қисми туҳмат ва бўҳтондан иборат бўлган жиноят иши ҳужжатлари кўпайгандан кўпаяверди.

" Ҳ.Сатторов хизмат лавозимини суистеъмол қилиб, атрофига миллатчиларни йиғиб олди. Унинг айби билан институтда таъмирлаш ва янги биноларни қуриш ишлари оқсамоқда. Санитария-эпидемиология факультети қурилишини тўхтатиб қўйиб, сметага киритилмаган ошхонани қуришга буйруқ берди. Бу билан у шундоқ ҳам турли касалликлар ўчоғига айланган Ўзбекистонда сунъий тарзда кадрлар тақчиллигини келтириб чиқаришдек мақсадни кўзлаган. Халқ душмани Ҳ.Сатторов ўз фаолияти давомида коммунистик партия сиёсатига зиён етказиш билан шуғулланган", деб ёзилади чақувларнинг бирида. Ўша машъум даврда битта "юмалоқ хат" билан инсон умрини завол қилиш мумкин эди. Жиноий ишжилднинг катта қисми шундай ёзишмалар билан тўлган. Ҳ.Сатторовнинг қамалишидан норози бўлган талабалар хатлардан бирининг муаллифи бўлган ўқитувчига таҳдид қиладилар. У эса талабаларни "халқ душманининг айғоқчилари" деб атаб, НКВД ходимларига топширади. Лекин талабалар бир-икки марта сўроқ қилингач, уйларига қўйиб юборилди. "Ҳ.Сатторов директорлиги даврида талабаларни террористик рухда тарбиялаган", деган узундан-узоқ хат Ҳошим Сатторовни йиқитган сўнгги туҳмат тоши бўлди.

Жиноий иш СССР олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессияси томонидан кўриб чиқилгач, 1938 йил 4 октябрь куни суд бўлди. Суд кеч соат 20 дан 50 дақиқа ўтганда гувоҳлар иштирокисиз бошланди. Айблов эълон қилинди. Суд ниҳоясида судланувчи Ҳ.Сатторовга сўнгги сўз берилди. У барча айбловлар туҳмат эканлигини ва ҳеч қандай жиноят содир этмаганлигини айтди. Фақат расмиятчиликдан иборат суд мажлиси тугади. Соат 21 дан 10 дақиқа ўтганда ҳукм ўқилди. Ҳ.Сатторов олий жазо — отувга ҳукм қилинди. Ҳукм зулдик билан ижро этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома ишжилднинг 162-бетига тикилди...

Ҳошим Сатторовнинг бир яшар ўғли, хотини, ота-онаси ва икки укаси зор йиғлаб қолаверди.

Орадан ўн тўққиз йил ўтгач, собиқ иттифоқ Олий судининг ҳарбий коллегияси томонидан иш қайта кўрилиб, судланувчининг фаолиятида аниқланган янги ҳолатлар муносабати билан жиноят аломатлари мавжуд эмас, деб топилди ва ҳукм бекор қилинди.

Ҳақиқат қарор топти. Аммо... бу хабар ўз манзилини излаб узоқ Россиянинг Смоленск вилоятига йўл олди. Чунки бу вақтга келиб, Ҳ. Сатторовнинг турмуш ўртоғи Евгения Варсанова ўғли билан ўзи туғилиб ўсган юртига кўчиб кетган эди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати матбуот маркази.

Азиз юртдошлар!
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши
ва
"Маҳалла" жамғармаси
республика бошқаруви

Сизни Юртимиз Мустақиллигининг

14 йиллиги
муносабати
билан қизғин муборакбод
этади.

Мустақиллигимиз абадий,
халқимиз бахти бардавом бўлсин!

Ифтихор

СОҒИНЧ БЎЛИБ БАЛҚИЙСАН ҚОРАЧИҚЛАРДА...

/Бадиҳа/

Қанотли орзуларни юрагимга жо айлаб, тонг саҳар уйғонаман...

Ҳаёт янги кун варағини очади...

Йўллар чорлайди мудом янги манзиллар сари. Манзил бошида турар порлоқ қуёш чўққидек. То чўққига чиққунча не бир азоблар бор... Ана шу баланд қоя забт этилди. Тарихда зарҳал ҳарфлар ила муҳрланиб қолди ўша кун: 1991 йил 1 сентябрь.

Бахт китобининг биринчи саҳифаси очилди. Жаранглатиб оламга садо берди Истиқлол. Унинг фарзандлари бугун янги дунё қурмоқдалар. Мусаффо само узра оққушлар галаси она Ўзбекистон бағрига қайтишмоқда. Садоқатга йўғрилган бетимсол интилишнинг орзулари бор унда. Йиллар қўшиқ куйлайди, орият ва ғурурдан, юракларда ўзгача шиддат кезар сурурдан. Жаҳон бугун лол қолмиш Турон замин сеҳрига. Табаррук замин эса ёзар очил дастурхонини. Бунда йўқ нарсанинг ўзи йўқдир. Бор нарсани бошларига кўтаради ширин ошуфта хаёл. Бу хаёл замирида Боғи Эрам жилоланади. Боғи Эрамда эса минг дардга даъво бўлган шифобахш мевалар ларзондек осилиб туради. Ўзбекистон боғлари шарбат тутар лабларга...

Соғинч бўлиб балқийсан қорачиқларда, Ватан! Сенсиз бу дунё ғариб ва бенаводир. Висол бўлиб ҳижроннинг юрагини доғлайсан. Умид бўлиб азобнинг йўлларини боғлайсан. Армон яна бир карра йўлингга ғов солади, эзгу ният дилингга дарров кириб олади.

Ўзбекистон, бахтиёр юртим! Сенинг сахий тупроқларинг олтин сочар. Оташ юраклар бугун ёнишлардан тўлғонар. Бахтнинг ортидан югуради орзулар. Орзуларга эш бўлиб улғаяди туйғулар. Соғинч бўлиб балқийсан қорачиқларда — Ватан!

Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
журналист.

ЎЗБЕКИСТОН БИЗНИКИДИР!

Сен қуёшни қуёш дема, у ёнган бир гул эрур,
Кўзларингда ҳайрат йўқдир, демак дилинг кул эрур.
Эл ишига фидойининг айтар гапи бул эрур:
Ватан қадрин юрагида дарди борлар билади.

Ёмонликка қўлни тутсанг, хиёнатга йўл очдинг,
Бузғунчилик йўлидан юрсанг, омонатга йўл очдинг,
Юрт юкига елка бурсанг, диёнатга йўл очдинг,
Ватан қадрин забонида бурди борлар билади.

Синов кунлар сабринг учун, ақлинг учун қайроқ тош,
Юртни севган юракларга иймон доим бўлгай бош,
Вужудингга олов кирар, ёниб кетар кўзда ёш,
Ватан қадрин ҳаётга шашти борлар билади.

Кўкда булут эгилмаса ёққан ёмғир сой бўлмас,
Ёмон ният улуғ элнинг юрагига жой бўлмас,
Ўзбекистон бизникидир, ўзгаларга ой бўлмас,
Ватан қадрин ўз юртида марди борлар билади.

Ҳамид НОРҚУЛ



КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ва кўплаб давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда энг улуғ, энг азиз байрамимиз муносабати билан анъанавий тарзда юртимиздаги фуқаролар йиғинлари раислари, ходимлари ва фаоллари ўртасида ўтказиладиган "Ибратли оқсоқол", "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли", "Маҳалла жонкуяри" кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари учун ҳам "Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови ўтказилиб, унинг ғолиблари ҳам муносиб тақдирландилар. Ғолибларга эсдалик совғаларини Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Ғадойбоев ва ҳомий ташкилотлар вакиллари топширдилар.

СУРАТЛАРДА: *маҳалла ишининг фидойи ходимлари муносиб тақдирландилар;*

"Маҳалла жонкуяри" танлови 1-ўрин соҳибаси Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Жайҳун маҳалласи фаоли, тадбиркор Феруза Холмирзаева.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Хоразм вилояти

Бугун юртимизнинг исталган гўшасига борсангиз болажонларнинг спорт билан машғул бўлиш иштиёқлари юксак эканлигини сезасиз.

ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

Чунки республикамизда болалар спортига катта эътибор берилаяпти. "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" спорт мусобақаси туманимизда ўтказилаётганлиги фикримиз исботидир. Ушбу мусобақа туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси туман бўлинмалари ҳамда туман Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказиб борилаяпти.

Туман босқичида ғолиб чиққан Мадримовлар оиласи вилоят мусобақасида иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллаб қайтдилар.

Ваҳоланки, юқоридаги мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад ғолиблик шоҳсупаси эмас, балки спортнинг ҳар бир киши ҳаётида муҳим аҳамиятга молик эканлигини, унинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришда аҳамияти беқиёслигига урғу беришдир. Спортга қаратилаётган эътибор эса ана шу ҳақиқатни мужассам этганлиги ва тарғиб қилинаётганлиги боис диққатга сазовордир.

Зеварой ҚЎЧҚОРОВА

Тарих кўзгуси

АБДУРАҲМОН ТАМКИН ВА БУХОРО МАҲАЛЛАЛАРИ

Ўтган XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухородан кўплаб ўқимишли, билимли кишилар, маърифатпарварлар, тарихчи ва ўлкашунослар, машҳур хаттотлар ва таржимонлар, ёзувчи ва шоирлар етишиб чиққан ва самарали ижод этганлар. Ана шундай донишманд ва фозил кишилардан бири шоир ва тарихчи олим Абдураҳмон Тамкин Бухорийдир. У тахминан 1851-1852 йилларда Бухоронинг Бўрёбафон қишлоғида Мулла Абдулҳолиқ оиласида таваллуд топган. Ёшлигида оиласи Бухоро шаҳрига кўчиб келади ва шу ерда дастлабки таълим-тарбияни олиб, кейинчалик Бухородаги мадрасалардан бирини тамомлагач, шаҳардаги "Доруш-Шифо" мадрасасида мударрислик қилган. Абдураҳмон Тамкин бу ерда ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга шеърлар ҳам ёзиб турган.

XIX асрнинг кўзга кўринган мутафаккири Аҳмад Дониш замондоши Абдураҳмон Тамкинга ўз даврининг илғор маърифатпарвар кишиси сифатида юксак баҳо берган эди.

Абдураҳмон Тамкин Бухоро амирлари — Абдулаҳад (1885-1910) ва Саид Олимхон (1910-1920) даврида яшаб ижод этган.

У шоир сифатида ижод қилиб, 1898-1901 йиллар давомида ўзининг "Мулистон" ва "Ганжи Шойгон" номли шеърлар тўпламини чоп эттирган.

Абдураҳмон Тамкин асосан тасаввуфнома, лирик ва ҳажвий шеърлар ёзган. Лекин шоирнинг шеърлари, айниқса, ўткир ҳажвий шеърлари айрим мансабдор кишиларга, жумладан, Мулло Бурхониддин Қозикалон кабиларга ёқмаган ва бу ҳажв шеърларни Амир Олимхонга етказадилар. Амир бундан хабар топгач, Абдураҳмон Тамкинни саройдан четлаштиради. Айни бир вақтда у мадраса мударрислигидан ҳам четлаштирилади.

Ишсиз юрган Абдураҳмон Тамкин қадимий Бухоронинг ўтмиш тарихини ёзишга ҳаракат қилиб, ўзидан олдин яшаб ижод этган олимларнинг Бухорога таллуқли қўлёзма асарлари ҳамда дунё тарихига оид жуда кўп китобларни, қулёзма асарларни бирма-бир кўздан кечириб, ўрганади.

Абдураҳмон Тамкин тўплаган, ўрганган бой ва муҳим материаллари асосида "Шарофли Матлаълар ва ошкора мақсадлар" номли тарихий-жўғрофий асарни ёзади. Бу асар қадимги дунё тарихидан то олимнинг ўзи яшаган (1915-1916 й.й.) давргача бўлган бой тарихий воқеаларни ўз ичига олган. Асар 453 варақдан иборат бўлиб у муаллиф Абдураҳмон Тамкиннинг бетоблиги ва бевақт вафоти туфайли тугалланмай қолган.

Ушбу тарихий асарда Ўрта Осиё, Эрон, Яман, Франсияда содир бўлган табиат ҳодисалари, Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари тарихи тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Бухоро шаҳри, вилояти, туманлари, дарвозалари, гузарлари, карвонсаройлари, тарихий-меъморий обидаларининг қурилиши, тарихий зиёратгоҳ жойлари тўғрисидаги муҳим ва қимматли маълумотлар ҳам ушбу асардан кенг жой олган.

Шунингдек, Абдураҳмон Тамкин асарида ҳар бир туманнинг ўзига хос географик тузилиши ва жойлашуви, чегаралари, масофаси, ер майдони, аҳоли сони ва таркиби, турмуш тарзи, касби-кори, хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдоси, деҳқончилик ва чорвачилиги, тарихий зиёратгоҳлари, масжид ва мадрасалари батафсил кўрсатилган.

Абдураҳмон Тамкин Бухоро шаҳри тарихи ва унинг маҳаллаларини бирма-бир ўрганар экан, ўн икки қисмга бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида маълумот берган.

Мана, масалан: "...шаҳарнинг Чашмаи Аюб қисми — бу шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида, Шергирон ва Ўғлон дарвозалари орасида жойлашган бўлиб, қисман Талипоч дарвозасини ҳам ўз ичига олган. Машҳур Исмоил Сомоний мақбараси шаҳарнинг шу қисмида жойлашган.

Мазкур қисмига қарашли 19 та маҳаллада 1049 та хонадон жойлашган. Шунингдек, бу ерда 2 та мадраса, 2 та масжид, 11 та мактаб, 2 та савдо растаси, 1 та ҳарбий казарма, 2 та ҳаммом, 2 та амирга тегишли ҳовли ва 2 та мақбара жойлашган.

Шаҳристон — шаҳарнинг қадимги Ҳисори ҳудудида жойлашган бўлиб, 20 та маҳаллани ўз ичига олган.

Унда 973 та хонадон жойлашган бўлиб, шаҳарнинг бу қисмида 21 та масжид, 8 та мадраса, 3 та ҳаммом, 4 та мактаб, 3 та чойхона, 12 та мозор, 1 та хонақоҳ, 1 та кутубхона, 1 та зиндон, 2 та давлат уйи, 2 та қабристон, 1 та ҳовуз, 1 та қудуқ, 3 та карвонсарой, 1 та савдо растаси ва қадимий шаҳар Арки жойлашган..."

Худди шундай батафсил маълумотлар қадимий Бухоронинг Жуйбор, Тўрки Жанди, Шайхи Рангез, Гавкушон, Каллаобод ва бошқа барча 5 та мавзелари ҳақида ҳам келтирилади.

Ўлка тарихини яхши билган Абдураҳмон Тамкин ўзининг асарида Бухоронинг 12 дарвозаси, уларнинг номланиши ва жойлашиши, улар орасидаги масофа, шаҳар гузарлари, тарихий обидалари, маҳаллларда кимлар яшайди ва улар нима билан машғул бўлганликлари тўғрисида ҳам батафсил баён қилади. Буларни бирма-бир таърифлаш учун Абдураҳмон Тамкин кўп манбааларни ўрганган, тарихий китобларни варақлаб чиққан. Булардан ташқари 136 та карвонсарой, 17 та ҳаммом, 144 та ҳовуз, 100 дан ортиқ мадраса, 200 та масжид ва бошқа биноларнинг жойлашувини ҳам асарда кўрсатган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг II ярми XX аср бошларига доир маълумотларни ўз ичига олган Абдураҳмон Тамкин Бухорийнинг "Шарофли Матлаълар ва ошкора мақсадлар" номли асари Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги жойларни ўрганишда қимматли тарихий ва илмий манбаа бўлиб хизмат қилади.

Гулсара ОСТОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.

МУҲАББИМЛАР ТАЪБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Ишончингизни қозонмаган ҳамкорлар билан иш қила кўрманг, акс ҳолда барча режаларингиз барбод бўлиб, саъй-ҳаракатларингиз бекор кетади.

СИГИР(22.04-20.05)
Турли, яхши-ёмон воқеалар тафсилоти юрагингиз фаолиятида акс этиши ҳеч гап эмас. Шу боис айни кунларда соғлиғингизга эътиборлироқ бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Кутилмаган муаммоларга дуч келмаслик учун шу кунларда кўчмас мулкка оид масалалар билан шуғулланмаганингиз маъқул.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Қоғозбозлик билан битадиган ишлардан ташқари барча юмушларни бажаришга киришишингиз мумкин. Оила даврасида кўпроқ бўлолсангиз янада яхши.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Молиявий аҳволингизни яхшилашга енг шимарган ҳолда киришинг. Муаммолардан чўчиманг, акс ҳолда ҳозиргидан ҳам танг аҳволга тушишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Бордию яқин кунларда турмуш ўртоғингиз билан тортишиб қолгудек бўлсангиз, тинчгина унга ён бериб кўя қолинг, шунда ўзингиз хотиржамроқ бўласиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Зимдан иш кўрувчи нодўстларингиз ўз мақсадлари йўлида сиздан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир маълумотни синчиклаб текшириб, иш кўринг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ишқий саргузаштларга ва дўстлар билан зиёфатга шўнғишга шошилманг. Айни кунларда бу борада омадингиз чопмаслиги эҳтимолдан йироқ эмас.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Оилангизда турли қўринишдаги "инқилоб"лар юз бермаслиги учун яқинларингизга меҳрибонроқ ва эътиборлироқ бўлишга интилинг, натижасидан ўзингиз шод бўласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Шу кунларда юз бериши мумкин бўлган воқеалар кўп масалаларда ўз нуқтаи-назарингизни ўзгартиришингизга сабаб бўлади. Янгиликлардан чўчиманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Кўнгилсиз ҳолатларга дуч келмаслик учун етарли даражада камтарлик ва самимийлик намоён эта олсангиз кифоя, қолган ишларингиз жойида бўлади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Атрофдагиларнинг фикрини ҳисобга олиш ҳам баъзан муҳим ишларда асқотиб қолишига айни кунларда ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Эл корига ярраган элдошлар!

БЕШБОЛАНИНГ УЧ БОЛАСИ ҚУРГАН БИНО

Фарғона вилояти

Ака-ука Шавкатжон, Расулжон, Маъруфжон Сайдалиевлар саъй-ҳаракати билан бунёд этилган Фарғона шаҳридаги Бешбола маҳалласи гузари маҳалла хуснига-хусн қўшди. Бу ердаги ошхона-чойхона ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари кечаю кундуз халқ хизматида.

Бешболанинг уч боласи қуриб битказган бу гузар маҳалладошлари учун катта совға бўлди.

Ашурби ҳожи она Сайдалиева ҳам ўғиллари томонидан қурилган бу гузарга тез-тез келиб туради.

СУРАТДА: *Ашурби ҳожи она Сайдалиева ўғли Расулжон ҳожи ва қизи Фаридахон билан гузардаги чойхонада.*

Ш. ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Болалар учун байрам

Тошкент шаҳри

Айни кунда юртимиз Истиқлолимиз байрамининг 14 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари оғушида яшамоқда. Пойтахтнинг Бектемир туманида эса ушбу муқаддас санага бағишлаб ўзига хос мусобақа ўтказилди.

ФАРЗАНДЛАР ҚОНИДА ВАТАНПАРЛИК БОР!

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир тумани бўлими кенгашлари томонидан ташкиллаштирилган бу мусобақада туман маҳаллаларидаги кам таъминланган оилаларнинг 14-15 ёшли фарзандларидан 25 нафари пневмотик милтиқдан нишонга олиш борасида баҳслашдилар. Тумандаги Бектемир, Миришкор ва Абай номли маҳаллалар ўсмирлари совринли ўринларни эгалладилар.

Тадбир сўнгида мусобақа иштирокчилари ва бир гуруҳ кичкинтойлар учун "Қуёқча нури" номли болалар майдончасида музқаймоқ сайли ташкил этилди. Шунингдек, янги ўқув йилида илк бор мактаб остонасига қадам қўйувчи болажонларга ҳомийлар ва ташкилотчилар томонидан ҳозирланган ўқув қуролларидан иборат совғалар тақдим этилди.

— Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказилган бу тадбир ўсмирлар ва кичкинтойлар қалбида Ватанга, она юртга меҳр ва садоқат туйғуларини уйғотади, ватанпарварлик ҳиссини кучайтиради. Бу эса юртимиз келажаги ишончли қўлларда эканидан далолатдир, — дея таъкидлайди Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бектемир тумани кенгаши раиси Қўрғонбой Холиқулов.

Ўлмасхон ҚОДИРОВА

Тўйга тўёна билан...

Сурхондарё вилояти

Авлод маҳалласи Бойсун туманининг сервиқор тоғлари этагида жойлашган. Тоғ шароити, қолаверса, маҳалланинг марказдан анча олислиги туфайли бу ерда яшаётган 605 оила аҳлига маиший хизмат кўрсатиш даражаси кўнгилдагидек эмасди. Шу боис маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмад Тўраев ҳудудда гузар қуриш ташаббуси билан чиқди. Бу хайрли ишга ҳиммати баланд тадбиркорлар — Хайрилло Каримов, Юсуф Каримов, Султонхон Расулов, Шуҳрат Хурсандов, Абдураҳим Усмонов ҳомийлик қилди. Тез орада маҳалла марказида 7 хонадан иборат замонавий гузар биноси қад ростлади.

БОЙСУНДА БУНЁДКОРЛИК

Туманнинг Газа маҳалласи аҳли ҳудудда "Бойсунтрансгаз" фирмаси иш бошлаши билан транспорт ёқилғиси муаммоси ҳал этилишига умид боғлаган эдилар. Уларнинг бу истаги амалга ошди. Маҳалла ҳудудида ёш тадбиркорлар Камолиддин ва Баҳриддин Шодиевлар томонидан бунёд этилган автомашиналарни газ билан тўлдириш шахобчаси бир кунда 100 та автоуловни суюлтирилган газ ёқилғиси билан таъминлаш қувватига эга.

— Айни пайтда фаолиятимизни кенгайтиришни режалаштираяпмиз, — дейди К.Шодиев. — Шахобчамизда машиналарни ювиш, автомобилларга газ балонларини ўрнатиш ва таъмирлаш хизматини йўлга қўйсак, ўйлайманки, бу нафақат маҳалла аҳли учун, балки барча транспорт ҳайдовчилари ва йўловчилар учун катта қулайликлар туғдиради.

Пулҳоким маҳалласи марказидан оқиб ўтувчи катта сой ҳудудни иккига ажратиб қўйган эди. Бир маҳаллада яшасалар-да, бир-бирларини кўришга муштоқ бўладиган пулҳокимликлар истиқлолнинг 14 йиллик байрами арафасида қувончли воқеага гувоҳ бўлдилар. Маҳаллани ажратиб турган сой устига мустаҳкам кўприк қурилди. Маҳалла одамлари бу хайрли иш айниқса, ҳар куни сой устидан ўтиб мактабга қайтадиган ўқувчи-ёшлар ва қариялар учун катта ғамхўрлик бўлди деб ҳисобламоқдалар.

Бундай бунёдкорлик руҳи туман марказига ҳам кўчган. Яқинда Бойсун марказида 2 қаватдан иборат кичик босмахона биноси фойдаланишга топширилди. Уни тадбиркорлар Ҳабибулло ва Илҳом Султоновлар барпо этдилар. Босмахона биносининг 2-қаватида китоб дўкони жойлашган.

Ҳа, Бойсун аҳли яратувчан, бунёдкор одамлар. Муҳими, уларнинг амалга ошираётган хайрли ишлари юрт равнақи, турмуш фаровонлиги учун хизмат қилаяпти.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

"Mahalla" хирғойиси...

Шайхонтоҳур тумани Транспорт касб-ҳунари колежи томонидан 1993 йилда Якубов Рифат Наильевич номига берилган З 0452188 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан Турсунов Еркин номига берилган 0902622 рақамли хусусий тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент Давлат техника университети томонидан Рихсиев Тальят Анваржонович номига 1999 йилда берилган В номер 007223 рақамли диплом ва 2001 йилда берилган MN 002739 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утеренное свидетельство участника ВЭС выданные на имя ЧП "Рустамову Р.Б." по номеру 10\00115 04.04.2005 года считать недействительным.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан 2004 йилда 000252 рақами билан ЧП Рустамов Равшан Ботировичга Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан 1993 йил 11 июнда Рюмин Александр Ефимович номига берилган 09-02\9117 рақамли квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан 1979 йил 1 декабрда 007819 рақами билан Олин Юрий Степанович номига берилган хусусийлаштирилганлик ҳақидаги ордер йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ТДМИ клиникаси қошидаги медицина билим юрти томонидан 1991 йилда Халиков Мирзоҳид Хамидуллаевич номига берилган РТ — 1, 373344 рақамли рег: 4043 диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан 1998 йил 21 октябрда Султонов Ҳусан Туляганович номига берилган квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи 09-02\10586 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан 1993 йил 8 февралда Кан Рима Сергеевна номига берилган 101\5225 рақамли квартирага эгалик ҳуқуқи ҳақидаги давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ДП "IEG UZBEKISTAN" сообщает об уменьшении Уставного фонда. Претензии принимается в течение один месяц со дня публикации по адресу г. Ташкент с 11. А. Темура-107Б

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таҳнаберди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7008 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-724
1 2 3 4 5
Топширилди — 1.00